

Ислом шариятида кулгига муносабат

15:01 / 22.04.2017 3430

Ҳаммамизга маълумки, инсон агар хурсанд бўладиган бўлса, одатда унинг чеҳрасида хурсандчилик аломати сифатида кулги пайдо бўлади. Бизнинг орамызда кулги деб ишлатиладиган бу атамани фикҳ уламолари уч қисмга бўлишган:

1. Қаҳқаҳа – инсон овоз чиқариб кулганда, ўзи ва ёнидаги бошқалар ҳам эшитадиган кулгидир.
2. Зиҳк – инсон кулганда овозини ўзи эшитиб, бошқа ёнидагилар эшитмайдиган кулгидир.
3. Табассум – ўзи ҳам ва бошқалар ҳам эшитмайдиган кулгидир.

Аммо, умумий ҳолатда зиҳк овозли кулгига, табассум эса овозсиз кулгига нисбатан ишлатилади.

Кулги икки ҳолатда бўлиши мумкин.

1. Инсон бирор нарсадан хурсанд бўлиб, кайфияти кўтарилган ҳолатдаги кулги. Бу кулги меъёрий ҳолда бўлса, шариятда рухсат этилгандир.
2. Бирор инсоннинг камситиш учун ёки обрўсини тўкишлик мақсадидаги кинояли кулиш. Муслмонлар ўртасидаги бундай кулги шариятда қайтарилган ишдир.

Аллоҳ таъоло Қуръони каримда шундай дейди:

اَلصَّحَّاحُ الْاَلِيَّوْنَ عَرِيْبَكَ الْوَّوَّ عَرِيْبُ صُرْدَاغِي الْاَلْبَاتِكُلِّ الْاَدَمِ لَامَ اَنْ تَلِيَّوْ اَيَّ نَوْلُوْ قِيَّوْ

“Улар: “Вой, шўримиз қурисин. Бу қандай китоб, кичикни ҳам, каттани ҳам ҳеч қўймай ҳисоб қилибди-я”, дерлар”. (Каҳф, 49-оят).

Имом Бағавийнинг тафсирларида, Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ушбу оятдаги, **عَرِيْبُ** лафзи табассум, **كَلِّ** лафзи эса, зиҳк маъносида бўлиб, бу кофирларнинг дунёда мўъминлар устидан масхара қилиб кулганларидир, деб тафсир қилганлар.

Ёки бошқа оятда шундай дейилган:

نُوكِحَضَي اُونَمَآ نِي دِلْا نِم اُونَاك اُوْمَرَجَآ نِي دِلْا نِإ

“Албатта, жиноят қилганлар иймон келтирганлар устидан кулар эдилар”. (Мутоффифун, 29- оят)

Юқоридаги оятларда кофирларнинг мусулмонларни ҳақорат қилиш ва уларни камситиш ҳолатидаги кулгилари баён қилинмоқда. Бундай бировга азият бериш ёки ҳақорат маъносидаги кулги, агарчи, мусулмонларнинг орасида бўлса ҳам мутлақо дуруст эмас.

مَلَسَوِ هِيَ لَعْلَلِ اِي لَصِدِّ لَلِ لُؤْسَرُ تِي اَرَام : تَلَا قَاهُ نَعُ لَلِ لِي صَرَّةَ شِئَاعٍ نَع
يُرَا حُبْلَاهَا وَرُ . مَسَبَتِي نَاك اَمْنِ اِي وَتَاوَهَلُهُ نِم يَرَا يَّ تَحَا كِحَا ضَا عَمَجَتِ سُم

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларини катта очиб, оғизларининг ичи кўринадиган даражада кулганларини кўрмаганман. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо табассум қилар эдилар”. Бухорий ривоят қилган

سَلَا حَت تَّنُكَا : هُنَعُ لَلِ لِي صَرَّةَ رَمَسِرُنْ بَرِبَا جَلُّ تَلُقُ لَلَا قِبْرَحْ نَبِ كَامَسُ نَع .
يَدْلَاهَا لَصُمُ نِم مُؤَقِي اَل نَاك اَرِي تَكَمَعَن : لَلَا ق مَلَسَوِ هِيَ لَعْلَلِ اِي لَصِدِّ لَلِ لُؤْسَر
يَف نَوُدْحُ اِي فَن وَتَدَحْتِي اُونَاك وَ مَاقُ تَعَلَطَا اِذِ اِفُ سُم شَلَا غَلَطُ ت يَّ تَحَا هِيَ ف يَّ لَصُ
مَلَسُمُ هَا وَرُ . مَسَبَتِي وَ نُوكِحَضَي فِ هِيَ لَهَا جَلَلِ رَمَآ

Симақ ибн Ҳарбдан ривоят қилинади: У киши айтдилар:

“Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳуга шундай дедим: “Сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирганмисиз?” У: “Ҳа, У зот кўпинча (бомдод) намозини ўқиган жойларидан, то қуёш чиқмагунча турмас эдилар. Агар қуёш чиқса, ўринларидан турар эдилар. Саҳобалар эса, (ўринларидан турмасдан) ўзаро жоҳилият пайтидаги ишлар ҳақида гаплашишиб кулишар эдилар, У зот табассум қилар эдилар”. Муслим ривоят қилган.

مَلَسَوِ هِيَ لَعْلَلِ اِي لَصِدِّ بِنِ لَلِ اَبَا حَصَا نَاك لَه : رَمَعُ نَبِ لَلِ لُؤْس : لَلَا قَا عَادَاتُ ق نَع
لِلَا بَجَلِ ل نِم مُطْعَا م وَبُولُق يَف نَا مِي اَلَا وَ , مَعَن : لَلَا ق ؟ نُوكِحَضَي

Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У киши айтдилар:

Ибн Умарга савол берилди: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари кулишар эдими?” У: “Ҳа, иймон уларнинг қалбларида тоғдан ҳам каттароқ бўлган холларида кулар эдилар” дедилар.

Юқоридаги ҳадиси шарифлардан маълум бўлишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куладиган бўлсалар табассум қилганлар, агар бирор киши билан учрашсалар ҳам очиқ юз билан муомала қилганлар. У зотнинг саҳобалари ҳам ўзаро ҳазил-ҳузул қилишиб, кулишганлар. Лекин, меъёрни сақлаган ҳолатда кулишган. Бу кулгилари фақат зоҳирий ҳолатда бўлган, ботинлари эса иймон билан тўлиб тошган. Демак, ушбу ҳадислардан далилланган ҳолда табассум қилиш ва меъёрни сақлаган ҳолда кулиш ислом шарийъатида мувоҳ ишдир. Лекин Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилинган ушбу ҳадисда кўп кулишдан қайтарилган.

نَافٍ، كَحَضَلَا أَوْثُكُتِ الْوَلَاقَ مَسَوَّيَ لَعَلَّ لِيَّ صَيَّبَنَّ لِنَا نَعَّ رِيْرُهُ بَابَ نَعَّ
رَاخُ بَلَا هَاوَرَبَلَقَلْ أَيْ مُتَ كَحَضَلَا أَوْثُكُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кулгини кўпайтирманглар. Чунки, кўп кулги қалбни ўлдиради”, дедилар. Бухорий ривоят қилган

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўп кулишни ва уни одатга айлантириб олишдан қайтаряптилар.

Ҳужжатул ислом, Имом Ғаззолий шундай деганлар: “Кўп кулиш ва молудунё билан хурсанд бўлиш, инсоннинг томирларига сизиб кирувчи ўлдирувчи заҳар кабидир. У қалбдан хавф, ҳузн ва ўлим ва қиёматни эслашлик каби яхши хусусиятларни чиқариб юборади. Бу эса қалбнинг ўлишидир”.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бировни камситиш маъносида бўлмаган, меъёрдаги кулги ислом шарийъатида ман қилинган эмас. Аммо, меъёрдан ошиб кетадиган бўлса, инсон қалбининг ўлишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай кулгидан сақланиш лозимдир.

Мадаминов Шокиржон, “Кўкалдош”

ислом билим юрти мударриси